

Бугунги кунда жамиятимизда очиклик ва ошкораликни ривожлантириш, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларимизнинг қонуний муурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида сизларнинг ўрнингиз ва таъсирингиз тобора ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

СЎЗИНГИЗ КЕСКИР, ҚАЛАМИНГИЗ ЎТКИР БЎЛСИН, ҚАДРЛИ ҲАМКАСБЛАР!



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

© 21asr.uz © XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиклик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиш жараёнларини ёритиш, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий медиа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Тайпатов Абдижалол
Гаппарович –

Ўзбекистон Миллий ахборот
агентлигининг ҳудудий ахборот
тахририяти бош муҳаррири

Темиров Собиржон
Ғуламович –

Бешариқ тумани “Бешариқ тонги”
газетаси бош муҳаррири,
Фарғона вилояти



2

КАФТДА СУВ ТАШИБ БЎЛСА-ДА КЎЧАТ УНДИРАЙЛИК



Минг
афсуски,
ўзи бир
дона ҳам
кўчат
экмасдан,
чор атроф
мусаффоли-
гини таъмин-
лаб турган
яшил дўст-
ларимизни
кесиб ташла-
ётган фуқа-
ролар учраб
турибди.

4

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ҚЎШМА ДЕЛЕГАЦИЯ:

ХИТОЙ САФАРИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?



3

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

МИНГДАН ОРТИҚ ШОГИРДИ БОР



1-ўрин соҳибаси Мадина Қосимбоевани таърифлашга сўз топиш қийин. Тадбиркор “Suzani by Kasimbaeva” бренди остида фаолият юритади. Шогирдлари мингдан ошибди! Дунёнинг деярли барча давлатларига ўзбегимнинг миллий кийимлари, костюм, пальто, сумка, сочиқ, дастурхонларни етказиб беради. Ишчилари **47 нафар**. Шу билан бирга ногиронлиги бўлган аёлларни хонадонларидан чиқмаган ҳолда меҳнат қилиб, даромад топишларига кўмаклашмоқда. Уларга хомашёларни етказиб беради.

3



6

ВАТАНДИН ЎЗГА ЁР ЎЛМАС...

Аср ошган миллий матбуотимиз сафига янги бир нашр қўшилганига кўп бўлгани йўқ – “Ватан” журнали! Қандай улғу мақсадлар қўзлангани номидаёқ яққол кўзга ташланиб турибди. Йилда тўрт бор чиқадиған нашрнинг мазмун-мундарижаси билан танишсангиз, юқоридаги мулоҳазаларимиз бежиз пайдо бўлмаганига ишонч ҳосил қиласиз.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Абдусаматова Муқаддас Салиховна – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

Бекназарова Саодат Ўзбековна – “Овози тожик” газетаси катта муҳбири

Джураева Дилфуза Джангировна – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, публицист, Сурхондарё вилояти

Кляцкий Григорий Николаевич – “Ишонч-Доверие” газетаси бўлим муҳаррири

Левченко Сергей Владимирович – “Народное слово” газетаси бўлим муҳаррири

Нугманов Равшан Якубджанович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоэшиттириш уйи овоз ёзиш хизмати режиссёри

Очилов Қудрат Менглиевич – “Бир сафда” журнали масъул котиби

Палуанова Мнайим Пирназаровна – “Nukus-Sayahat” масъулияти чекланган жамиятининг “Жаслар-ТВ” телеканали ва “Нукус-ФМ” радиоси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Содиқов Икром Мамадалиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбасари

Тоҳиров Халимжон Тургунович – “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари таҳририятининг “Andijonpoma.uz” интернет наشري муҳаррири

Хакимов Талип Адилевич – Нурафшон шаҳри “Машъал” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

Боймирзаева Саодат Ураковна – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг матбуот котиби

Муминов Файзулло Абдуллаевич – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг жамоатчилик билан алоқалар кафедраси профессори

Хасанова Захро Тулкуновна – “Гулхан” журнали бош муҳаррири

“СОҒЛОМ ТУРМУШ” МЕДАЛИ БИЛАН

Имомхўжаев Зафар Ахбарович – Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби

“КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахимов Муслимбек Фозил ўғли – “Zo’r TV” телеканалининг “Bu kun” информацион дастури раҳбари

“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Абдукадиров Дилшод Ахмеджанович – “Kun.uz” интернет наشري бош муҳаррири

Абдурахманова Феруза Абдуганиевна – “Mening yurtim” телеканали бошловчиси

Абидов Азиз Агзамович – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази бошлиғи – матбуот котиби

Алимухамедов Туйгун Вахабович – “Ўзбекистон кўзи оғизлар босмахонаси” давлат унитар корхонаси муқоваловчиси

Базаров Бахриддин Хайдарович – “Akademnashr NMM” масъулияти чекланган жамияти бош рассоми

Байтураева Гулжамал Оринбаровна – “Нурлы жол” газетаси бўлим мудири

Вохидова Нозима Рахимовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat telekanali” давлат муассасаси кино-видеомаҳсулотлар ва тезкор дубляж муҳарририяти катта муҳаррири

Гулямова Дилфуза Иззатовна – “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририятининг Навоий вилояти бўйича махсус муҳбири

Джамалов Кахрамон Джумаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали муҳаррирлар гуруҳи бош муҳаррири

Джумабоева Рахима Мустафавна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Зокирова Турсунтош Нормуродовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи муҳбири

Иноятнова Назира Сайпуллаевна – “Авторадио” радиоси дастурлар бўйича директори ва эфир бошловчиси

Кличбаев Абатбай Реимбаевич – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кўлөзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари

Матчанова Интизор Жумабоевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали Хоразм вилояти бўйича муҳбири

Муротова Муслима Камолидиновна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” радиоканали режиссёрлар гуруҳи сухандони

Ниязов Норбек Рамазанович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали янгиликлар муҳарририяти бош муҳаррири

Пирнафасова Муҳайё Рустамовна – “Жадид” газетаси адабий муҳаррири

Саидов Шеродил Худайбердиевич – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг чоп этиш цехи устаси

Сулайманова Алия Исмаиловна – “Darakchi.uz” интернет наشري бош муҳаррири

Сулаймонов Шодмон Султонович – “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари таҳририяти бош муҳаррири, Бухоро вилояти

Шамсиддинов Ёлқин Хакимович – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси

Эшонкулов Замон Асрорович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи махсус муҳбири

Юсупов Аҳмад Менгнимуратович – “Dayo.uz” интернет наشري бош муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатлари томонидан
қурилиш соҳасидаги
қонунчиликни бузганлик
учун жавобгарликни
кучайтиришни кўзда тутувчи
қонун лойиҳаси қўриб
чиқилиб, маъқуллаш учун
Олий Мажлис Сенатига
юборилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш борасида жадал ишлар олиб боришмоқда. Соҳада соғлом рақобат муҳити яратилиб, ички манба ва хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятлари кенгаймоқда. Объектларни лойиҳалаштириш ва қуришда инновацион ечимлар, замонавий лойиҳалар ҳамда янги илмий-техникавий ишланмалардан фойдаланилмоқда. Булар қурилишларнинг сифат даражасини ошириш билан бир қаторда бинолар ва иншоотларнинг дизайнини яхшилаб, замон талабларига мослигини оширмоқда.

Ўз ўрнида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ҳам такомиллашиб борапти. Бунга 2021 йил 23 майда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси яққол мисол бўла олади. Кодексда шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда:

фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат барча ҳудудларини барқарор ривожлантириш;

инсонлар яшаши учун қулай муҳит яратиш, атроф-муҳитга, табиий ресурсларга ва маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

қурилишлар сифатини ошириш, биноларнинг хавфсизлиги ва ишончилиги, уларнинг сейсмик чидамлилигини таъминлаш каби талабларга риоя қилиш;

соҳада жамоатчилик иштирокини таъминлашга амал қилиш қоидалари мустаҳкамлаб қўйилди.

Президентимизнинг 2024 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишининг қўшмча чоралари тўғрисида”ги қарори эса мазкур ишларни янада юқори сифатга кўтариши билан аҳамиятлидир. Ҳужжатда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ҳамда бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилаётган қурилишларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг самарали назорат механизмларини ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, қурилиш иштирокчиларининг ва назорат қилувчи идораларнинг масъулиятини ошириш чоралари белгиланди.

Қарорга мувофиқ қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини қўриб чиқиш ваколати бўлган лойиҳа офиси ташкил этилди. Яқинда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва унинг “Қурилишда давлат назорати” электрон платформасини ишга туширилиши кутилимоқда.

Эътироф этиш керакки, йил сайин миллий қурилиш нормалари, қоидалари, қурилиш

стандартлари, техник регламентлар такомиллашиб бормоқда. Юртимизда сўнгги 5 йил давомида, жумладан, 2019 йилда 71,1 трлн, 2020 йили 88 трлн, 2021 йилда 107,4 трлн, 2022 йилда 130,7 трлн ҳамда 2023 йилда эса 149,9 трлн сўм ҳажмдаги қурилиш ишлари бажарилган. Мазкур фаолият билан шуғулланадиган ташилотлар сони 2016 йилда 2 000 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони қарийб 48 000 тага етди. Ўз навбатида, булар қурилиш соҳасидаги давлат назоратининг самарали ва сифатли амалга оширилишини ҳам талаб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги қарори билан Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланган бўлибди. Таъкидлаш жоизки, инспекция (ҳозирги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси) томонидан 2021 йилда 30 454 та, 2022 йилда 32 531 та ва 2023 йилда 36 245 та объектдаги қурилиш ишлари устидан давлат назорати амалга оширилган.

Лекин амалдаги қонунчилигимизда соҳадаги қонунчиликни бузганлик учун белгиланган жазо чоралари ўта енгил бўлгани учун самара бермади. Депутатлар томонидан қўриб чиқилган қонун лойиҳасида эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Жумладан, эндиликда:
лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузганлик, шунингдек назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан қасддан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик (300 куб метрдан ортиқ бўлмаган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳамда қаватлари икки қаватдан кўп бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари бундан мустасно) учун **фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса етмиш баравари миқдорида жазо солинади;**

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, маъмурий жазо миқдори ошади;

лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ берилмаган мажбурий кўрсатмаларни тўлиқ бажармаслик – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари, мансабдор шахсларга эса етмиш баравари миқдорида жазо солишга сабаб бўлади;

ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, жазо миқдори бирмунча ошади.

Бундан ташқари Жиноят кодексига ҳам қўшимчалар киритилмоқда.

Унга қўра:
қурилиш тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш



Қахрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Саноат, қурилиш ва савдо масалалари
қўмитаси аъзоси

қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса – бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликдан чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

объектларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасиз қуриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш;

кўп квартирالي уйлардаги таянч конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгарликнинг кучайтирилишига, энг аввало, айрим фуқаролар ва қурилиш соҳасига дахлдор масъул шахсларнинг қурилиш соҳасидаги қонунчиликни билмаслиги ёки била туриб қонун талабларини бажармаслиги ёхуд бажаришдан қасддан бўйин товлаши сабаб бўлмоқда. Депутатлар ҳам жойларда қурилиш ташилотлари масъуллари билан ўтказган учрашувларда, ушбу масъулларнинг аксарияти қурилиш соҳасидаги қонунчилик талабларини етарлича тушуинмаслиги ёки умуман беҳабар эканлигига гувоҳ бўлишмоқда.

Ўйлаймики, ушбу қонун ана шундай ҳуқуқбузарликларни камайтириш, энг муҳими, қурилишларнинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аҳоли хавфсизлиги, қурилиш объектларининг сифати ва бардошлилигини ошириш, атроф-муҳит муҳофазаси, асосийси, қонунлар устуворлиги ҳамда масъуллар томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳбиримиз

Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган



ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ҚЎШМА ДЕЛЕГАЦИЯ:

ХИТОЙ

САФАРИ ҚАНДАЙ

ЎТМОҚДА?

Гапнинг индаллосидан бошлаш бугунги журналистикада оммалашиб борапти. Яъни, мақола ўртарида ёки охирида айтиладиган мулоҳазанинг бир учини дастлабки жумладаёқ чиқармасангиз ёки сарлавҳани эътиборни тортадиган қилиб қўймасангиз кўпчилик ўқимаяпти. Шу маънода, муштарийлар “Делегация қўшма бўлар эканму” дея қизиқишига умидимиз йўқ эмас.

Инчунун, сиёсий партиялар фаолиятида халқаро алоқалар қандай аҳамият касб этади, деган саволни қўйиш жуда осон ва унинг жавоби ҳам оддийдек туюлади. Адашмадик, фақат туюлади. Аслида бу ўта жўн қараш. Модимики, ҳамкорликни йўлга қўйиш хамирдан қил суғургандай осонгина битадиган иш эмас. Ўрнатилган алоқани сақлаб қолиш ва ривожлантириш эса янада мушкулроқ. Бунинг учун ҳар икки томондаги сиёсий кучнинг мақсад ва ғояларида, электратнинг саяё-ҳаракатларида қандайдир ўхшашлик бўлиши, тараққиёт йўлидаги интилишларида уйғунлик кўзга ташланиши керак.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси илгари сураётган ташаббуслар халқаро миқёсда ҳам ўз ўрнига эга эканки, жаҳондаги нуфузли сиёсий кучлар ҳамкорликни кучайтиришни таклиф этапти. Ўзаро тажриба ал-

машиш, биргаликда ээгу муддаоларни амалга оширишга қорлаяпти. Мулоқотларнинг самарасини ҳаётга кўчиришга ундаяпти. O'zLiDeP ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамкорлигидаги қўшма делегациянинг Хитойга сафари давомида ўтказилган тадбирлар ҳам юқоридаги фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

O'zLiDeP ФАОЛЛАРИ ЧИНДАГИ КЎРГАЗМАДА

Хитойнинг Тяньцзинь провинцияси миллий кўргазмалар залида шу йилнинг 20 июнь кунини ҳаётнинг турли жабҳаларида сунъий интеллектни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига бағишланган “World Intelligence Expo 2024” халқаро кўргазмаси очилганидан кенг жамоатчилик хабардор, албатта.



Мақсуд кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Равшан Мамутов бошчилигида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг қўшма делегацияси ҳам қатнашди.

Мақсад эса битта – турли йўналишлардаги фаолият юзасидан хитойлик ҳамкасблар билан тажриба алмашиш. Бунда танқидий таҳлилга алоҳида эътибор берилмапти. Боиси, синовдан муваффақиятли ўтган иш юритиш услубларини ўзимизда жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Делегациямиз аъзолари учун Хитой Халқ Республикаси Шаньдун фанлар академиясида махсус ташкил қилинган семинарда ҳам тажриба алмашишнинг долзарб жиҳатлари ургу берилди.

Шаньдун фанлар академияси президенти Дуань Пэйюн сўнгги вақтларда барча жабҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берган ҳолда тобора мустақамланиб бораётган икки давлат ўртасидаги муносабатларни олқишлади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига илм-фанда эришилаётган ютуқларни кенг жорий этиш, соҳага янги инновацион технологияларни жалб қилиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишнинг устувор манбаи эканлиги таъкидланди.

Семинарда делегация вакиллари Хитой давлатининг қишлоқ хўжалиги, сунъий интеллект, маҳсулотларни техник жиҳатдан тартибга солиш, ақлли технологиялар ва бошқа йўналишларда эришаётган ютуқлари билан

атрофлича таништирилди.

Семинар ташкилотчилари томонидан делегация вакиллари учун юқори савияда ташкил этилган ўқув ва амалий машғулотлар дастури доирасида тадбирлар давом этмоқда.

ШАНЬДУНДАГИ МУЛОҚОТ

Партия фаоллари айнан Шаньдун провинциясига борганининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, O'zLiDeP фермерларни қўллаб-қувватлашни ўзининг дастурий мақсадларидан бири қилиб белгилаб олгани бўлса, иккинчидан, Шаньдун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг сир-асрорларини эгаллаш бўйича жуда юксак натижаларга эришаётгани Хитойдан ташқарида ҳам маълум.

Касб синоатлари ҳаммага айтилавермайди, албатта. Лекин икки давлат ўртасидаги яқин ҳамкорлик ва икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатларидан келиб чиққан ҳолда O'zLiDeP ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг қўшма делегациясига шахсий тажрибаларини сўзлаб бериш ва амалда намоиш этишга розилик билдиришди.

Шундан келиб чиқиб, кунини кеча делегация аъзолари Шаньдун провинцияси Джинан шаҳри Жиси қишлоқ хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишдилар. У ерда асосан гидророника усулидаги иссиқхоналарда сабзавот ва полиз маҳсулотлари, тропик мевалар, манзарали дарахт ва гул кўчатлари етиштирил-япти.

Партия фаолларига бу ердаги аниқ-ти-

ник, яъни соат механизмдек тўғри ишлайдиган жараён – кам вақт, кам ер ва кам маблағ сарфлаб юқори центнерда ҳосил олиш ва унга бозор топиш тажрибаси катта таассурот уйғотди.

ПАРТИЯЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ташриф доирасида делегация аъзолари Хитой Коммунистик партияси Марказий Кенгаши Халқаро алоқалар бўлими Евроосиё бошқармаси директори Ван Минь хоним билан учрашди.

Мулоқот давомида томонлар икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли бугунги кунда Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг қўлмали аҳамият касб этиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилгани, барча соҳалардаги алоқалар изчил ривожланаётганини эътироф этишди. Шунингдек, ҳудудлараро алоқалар ҳам жадал ривожланаётгани ҳамда ўзаро шериклик муносабатларини ўрнатишга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланаётгани айтиб ўтилди.

Самимий руҳда ўтган мулоқотда партиялар ўртасида халқаро алоқаларни мустақамлаш, илғор халқаро тажрибани партиялар ишида қўллаш имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

Мулоқот якунида партиялар ўртасида барча йўналишдаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда доимий равишда фаол фикр алмашиш туришга келишиб олдилар.

O'zLiDeP матбуот хизмати

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

Қўзиқориндан ҳам мумай даромад топса бўлади

Худди шундай! “Ишбилармон аёл – 2024” кўрик-танловининг Пахтакор туманидаги маҳаллалар саралаш босқичи иштирокчиси оқбулоқлик Мақсуда Дувланованинг фаолияти бунини тасдиқлайди.

Мақсудахоннинг таъкидлашича, у дастлаб соҳанинг сир-асрорларини, бозорни яхшилаб ўрганиб чиқди. Сўнгра 33 миллион сўм кредит олдию оила аъзолари билан ишни бошлади-қўйди!

Чўлда қўзиқоринчилик янгилик эмасми, дастлаб қийинчиликлар кўп бўлди. Бироқ астойдил меҳнат

самара бера бошлади. Айни кунда нафақат Жиззах вилоятидаги, балки Самарқанд, Навоий ва бошқа ҳудудлардаги ресторанлар билан ҳам шартномалар тузиб, кунига камиди 40-50 килограмм маҳсулот етказмоқда.

Умуман, танлов тумандаги мавжуд 15 та маҳалланинг ҳар бирида Мақсуда опа каби ишбилармонлар кўпчилигини кўрсатди. Мисол учун, Самарқанд маҳалласидаги “Qandolat ora teks” оилавий корхонаси раҳбари Дилором Қунакова тадбиркорлигини бошлаганига эндиgina бир йилдан ошди. Айни пайтда 20 нафардан ортиқ хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Маҳсулотлари хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Тошкент маҳалласида яшовчи, “Mehr-saxovat” кўкрак нишони соҳибаси Мунира Холиқова раҳбарли-

гидаги “Сут ва сут маҳсулотлари” МЧЖда ҳам айни пайтда 5 нафар киши доимий ишли. Бу ерда ойига 400 млн сўмлик табиий, тоза, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. “Фаолиятимни янада кенгайтирмасам бўлмайди, маҳсулотларимизнинг бозори чаққон”, дейди у.

Якка тартибдаги тадбиркор, “Гулруҳ қуроқлари” раҳбари Гулруҳ Ядгарова эса ҳали ёш бўлишига қарамай Дўстлик маҳалласидан 35 нафар опа-сингилни сафига олди. Чеварлари тиккан қуроқчилик маҳсулотлари ҳар қандай нозик дидли харидор талабига жавоб беради.

Тажрибали ҳайъат аъзоларининг узоқ торттишувларидан кейин чиқарган ҳулосаларига қўра, юқорида номлари тилга олинган ишбилармон аёллар билан биргаликда олтинқуллик Гулчирай Қаршиева, Дилором Маҳалласидан Соҳиба Қаршиева, Ғалаба маҳалласидан Наргиза Мамарасулова, Нурли Пангат маҳалласидан Моҳира Турсунова, мингчинорлик Дилфуза Қодирова, боғишамоллик Гулхан Бурхонова, сувонободлик Башорат Ботирова, олмасзорлик Хуршида Сатторова, пахтакорлик Дилфуза Абдужабборова, чаманзорлик Хуршида Пулатова, Буюк ипак йўли маҳалласидан Моҳира Жўраева танловнинг маҳаллалар босқичи ғолиблари деб топилди. Улар эндиликда туман ғолиблиги учун беллашадилар.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати



Мингдан ортиқ шогирди бор

O'zLiDeP томонидан ўтказилиб келинаётган “Ишбилармон аёл – 2024” кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллалар саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 12 нафар тадбиркор аёл туман босқичида беллашдилар.

Миллий либослар ва кашталар тикиш билан миллийлигимизни бутун дунёга намойён этиб келаётган, юздан ортиқ шогирдлари бандлигини таъминлаган Сузуқ ота маҳалласилик Мадина Қосимбоеванинг ишлари ҳаммани лол қолдирди. Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи Муслимахон Абдурашидхонова давлатимиз томонидан тадбиркорларга берилётган имкониятлардан руҳланган ҳолда ўз фаолиятини бошлагани, аёллар бандлигини таъминлаш, уларни оилаларига даромад олиб киришларига сабабчи бўлаётганидан мамнунлигини айтди.

Тадбиркор аёлларнинг фаолиятлари кўрик танлов низомига мувофиқ баҳоланди. Хусусан, 3-ўринни қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқараётган “Имон барака лаззат” МЧЖ раҳбари Мавжуда Муртазаева эгаллади. Унинг маҳсулотлари Тошкент шаҳридаги барча “Корзинка” савдо марказларига етказилади ва ҳозирги кунда 15 нафар аёлнинг бандлигини таъминлаган.

2-ўринга эса нозик қўллари билан ёғочга нақш ўйишни санъат асари даражасига олиб чиққан ва ҳозирги кунда 20 нафарга яқин опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаган



“National art by Muslima” бренди остида фаолият юритувчи наққош Муслимахон Абдурашидхонова муносиб деб топилди.

1-ўрин соҳибаси Мадина Қосимбоевани таърифлашга сўз то-

пиш қийин. Тадбиркор “Suzani by Kasimbaeva” бренди остида фаолият юритади. Шогирдлари мингдан ошибди! Дунёнинг деярли барча давлатларига ўзбегимнинг миллий кийимлари, костюм, пальто, сумка, сочик, дастурхонларни етказиб беради. Ишчилари 47 нафар. Шу билан бирга ногиронлиги бўлган аёлларни хонадонларидан чиқмаган ҳолда меҳнат қилиб, даромад топишларига кўмаклашмоқда. Уларга хомашёларни етказиб беради.

Иштирокчилар партиянинг эсдалик совға, диплом ва ташаккурномалари билан тақдирландилар.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ, БОЙЛИГИМИЗ



Бир қарашда бу ибора баландпарвоз туюлса-да, лекин мантиқан олганда рост: ҳаёт йўллари кўпчилик учун ўзига хос ибрат мактаби деса арзийдиган инсонлар орамизда бисёр. Шу маънода 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Фахрийлар тажрибаси ёшларга ўрнак” шиори остида ўтган “Уч авлод” учрашуви алоҳида таҳсинга лойиқ.

Бу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсадлардан бири, аввало, ёшларнинг адабиётга бўлган меҳрини янада ошириш, устозлар босиб ўтган ҳаёт йўлларини кейинги авлодга намуна қилиб кўрсатиш орқали Ватанга бўлган садоқатини намён этиш ва улар орасида китобхонлик, мутолаа маданиятини кучайтиришдан иборатдир. Ҳаётнинг пасту баланд йўлларини босиб ўтган нурунийларимиз, фахрий устозларимиз тажрибаси, пурмаъно ўғитлари ёшлар учун

ибрат мактабидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш авлодни тарбиялашда “устоз-шогирд” аънаосига амал қилиш, кексаларни улуғлаш, уларнинг бой тажрибаларидан унумли фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Инсон қадрли эъзозланаётган заминда бундай учрашувлар талаба-ёшларни тафаккур қилиш, юрт истиқболи учун масъулиятли бўлишга ундайди. Бунёдкорлик ишларига томошабин

эмас, камарбаста бўлиш, юртимиз тараққиётига дахлдорлик билан яшаш эса ёшларимизнинг шарафли бурчидир. – Кутаринки кайфият, нурунийлар билан бўлган мулоқотлар ёшларга кўп нарсаларни беради, – дейди ёш ижодкор Апалар Дарменов. – Ўзим ҳам ёш ижодкор сифатида қалам тебратиб тураман. Бундай маърифий суҳбатлар тенгқурларимни, адабиётга меҳр қўйган ёшларни янада руҳлантиради. Мулоқотда шоирлар ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди. Шундан сўнг партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан фахрий ижодкорларга эсдалик совғалари топширилди.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

ХУҚУҚ

ВАҚТИДА ҚАЙТАРИЛМАГАН КРЕДИТ

АВВАЛ АСАБИНГИЗНИ, КЕЙИН ЧЎНТАГИНГИЗНИ ЕМИРАДИ

Бугунги кунимизни банк кредит шартномаларисиз тасаввур қилолмаймиз. Айниқса, тадбиркорлик соҳасида! Фаолиятни йўлга қўйиш, ривожлантириш ва янада кенгайтиришда бу жуда муҳим имкониятдир.



Шоира
ЭРМЕТОВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди
судьяси

Фақат бу имкониятдан ўринли фойдаланиш, шартнома шартларига қатъий риоя қилиш муқсадга мувофиқдир. Йўқса, бугунги масъулиятсизлигингиз туфайли эртага вақтингизни ҳам, нақдингизни ҳам бой беришингиз ҳеч гап эмас.

Фуқаролик кодексининг 744-моддасига биноан, кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур кодекс талабига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт. Агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек, қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Даввогар “Ipoteka Bank” АТИБнинг Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилишига ҳам айна шу сабаб – қарздорнинг масъулиятсизлиги бўлди. Даввогар мурожаатида жавобгар – “BFC Group” МЧЖ дан 181 132 075,48 сўм муддати ўтган асосий қарз, 1 086 792 452,66 сўм муддати келмаган асосий қарз, 525 427 287,22 сўм муддати ўтган фоиз, 3 275 264,94 сўм жорий фоиз, муддати ўтган фоиз 48 554 918,22 сўм ва 1 219 248,45 сўм пеня, жами 1 320 973 959,75 сўм кредит қарздорлигини ундириш ҳамда ундирувни гаровдаги мол-мулкларга қаратишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2019 йил 13 августда 5 млрд сўм миқдорда очик кредит портфели линияси очилш тўғрисида шартнома имзоланган. Ушбу ҳужжатга асосан жавобгарга алоҳида кредит шартномалари тузилиш ва олган кредит суммаларини тартибга кўра қайтариши белгиланган. Кредит шартномаси тузилган ва унга кўра, 2019 йил

10 сентябрда автотранспорт воситаси ва махсус техника сотиб олиши учун даъвогар жавобгарга 60 ой муддатга 22 фоиз устама ҳақи тўлаш шартли билан 4 млрд 800 млн сўм миқдорда кредит маблағи ажратилган.

Мазкур кредит шартномаси таъминоти сифатида жавобгарга тегишли бўлган жами 21 та махсус техника ва автотранспорт воситалари гаровга қўйилган. Жавобгар кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни белгиланган муддатда ва тўлиқ қайтариш ҳамда тўлаш мажбуриятини олган бўлишига қарамай, уларни лозим даражада бажармасдан, жадвал бўйича тўловларни амалга ошириш муддатларини бузган. Натижада ҳақиқатан ҳам 2024 йилнинг февраль ойи ҳолатига кўра жавобгарнинг кредит шартномаси бўйича юқорида зикр этилган қарздорлик юзага келган! Шундан сўнг даъвогар юқоридаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Суд ишни ҳар томонлама таҳлил қилиб, даъвогарнинг талабини асосли деб ҳисоблади ва уни қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Ундирув нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаларига кўра кредит таъминоти сифатида жавобгарга тегишли бўлган мол-мулкларга қаратилиш, шунингдек, жавобгардан республика бюджетига 26 419 479,19 сўм давлат божни қопланиши ҳам белгиланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, шартнома бу шунчаки қоғоз эмас, у тарафларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялайдиган муҳим ҳужжатдир. Унинг шартларига амал қилган тадбиркор эса ҳеч қачон сарсон бўлмайди, зарар ҳам кўрмайди, ютқазмайди!

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

КАФТДА СУВ ТАШИБ БЎЛСА-ДА КЎЧАТ УНДИРАЙЛИК

Халқ депутатлари Чирокчи туман кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида ҳудудда биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлигининг ҳисоботи эшитилди.

Партиямиз фаоллари кун тартибига ўтишдан олдин кишилик жамиятини ўраб турган борлиққа нечун она табиат дея таъриф берилишининг мазмун-моҳияти хусусида мулоҳаза юритишди. Ҳатто табиат одамзотсиз ҳам мавжуд бўла олиши, аммо инсонлар табиатсиз яшай олмаслигига оид фикрлар ўртага ташланди. Депутатлик гуруҳи йиғилишига қўйилган долзарб масалага ана шундай нуқтаи назардан муносабатда бўлиш шарт аслида.

Айниқса бизнинг туманимиз шароити мураккаб бўлгани учун бирор ниҳол экиб кўкартириш осон эмас, – деди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Илҳом Бобоёев. – Чунки бепоян кенгликларимизда экилган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини суғориш учун деярли оқова сув йўқ. Фақат ё ташиб, ё томчила-тиб суғориш орқалигина уларни кўкартириш мумкин. Шунин билан туриб, айрим инсофсиз фуқаролар ўзларининг олтинга ҳам топилмайдиган саломатлиги ҳимоясини қафолатлайдиган бебаҳо бойликни кесиб, ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларини бузмоқдалар.

Мазмуний жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш, шунингдек,



ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишининг белгиланган тартибини ҳамда шартларини бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Минг афсуски, ўзи бир донга ҳам кўчат экмасдан, чор атроф мусоффолигини таъминлаб турган яшил дўстларимизни кесиб ташлаётган фуқаролар учраб турибди. Туманимиз ҳудудидаги Пақанди, Мирзатуп, Хумо, Гулобод, Чамбил маҳаллаларида яшовчи Зайниддин Қалқонов, Элёр Юлдошев, Жаҳонгир Йўлдошев, Отабек Холиёров, Баҳодир Қурбонов ва бошқаларга ўттиз олти миллион сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди.

O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, бўлим ходимлари ҳамда маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ўсимлик дунёсини асраш, кўчат экиш ишларида фаол иштирок этиш, кўчалар-зорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини жадаллаштириш борасидаги тарғибот ҳамда назорат ишларини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Ўтказилган рейдлар натижасида жорий йил-

нинг ўтган 5 ойи мобайнида 9 та ҳолатда фуқаролар томонидан дарахт кесиб ҳолати аниқланган бўлиб, табиатга эллик бир миллион саккиз юз минг сўмлик зарар етказилган.

Депутат Фарҳод Элмуродовнинг эътирофи эйтишча, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туманда жорий йил баҳорида 433,5 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган. Янгидан ташкил этилган боғ, узумзор ва тоқзорларга 93,3 минг туп мевали дарахт, тут ва ток кўчатлари ўтказилган. Бугунги саратоннинг иссиғида уларни тез-тез суғориш орқали асраб қолиш мумкин ҳолоқ.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда сўзга чиққан депутатлар ўсимлик дунёсини сақлаш, экилган кўчатларни сақлаб қолиш учун сув чиқмайдиган жойларга томчилатиб суғориш ускуналарини ўрнатиш, экилган кўчатларни суғориш учун сув лимити ахратиш, дарахтларни кесиб ташлаётган фуқароларга кескин чора кўриш, тарғибот ишларини кучайтириш борасида амалий тақлифларини билдирдилар.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ТАЖРИБА

ТОЙЛОҚ – СУТ-ҚАЙМОҚ КОНИГА АЙЛАНЯПТИ

Чорвачилик сермехнат ва машаққатли соҳа. Айниқса, хориждан олиб келинган сигирлар маҳаллий зотларга нисбатан анча эътибор талаб. Уларнинг озуқасига эътибор берилсагина кутилган натижа бўлади.



Бу борада Тойлоқда катта тажриба тўпланган. Яқинда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ташкил этган пресс-турда ОАВ вакилларига бу борада маълумотлар берилди ҳамда бир неча фермер хўжаликлари фаолияти билан таништирилди.

Мутахассисларнинг айтишича, ҳудудда қорамолчиликка мослашган 19 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда 4 675 бош мол боқилаяпти. Эътиборлиси, чорвадор фермерларнинг аксари яти хориждан олиб келинаётган зотдор молларни парварши қилишмоқда. Уларни ўзимизнинг иқлимга мослаштириш, тўғри боқишда бўлим ходимларининг маслаҳати асосланади.

“Машхура Собира Голд” фермер хўжалиги ҳовлисига қираб эканимиз, бунга ғувоҳ бўлдик.

– Фаолиятимизга ўн йилдан ошди, – дейди фермер Ҳайдар Носиров. – Асосан ғўшт ва сут ишлаб чиқаришга ихтисослашганмиз. Шу билан бирга хориждан зотдор сигир ва қўйларни олиб келиб, сотяпмиз. Ҳозир чет элдан молларни харид қилиш жуда осонлашгани бизга қўл келяпти. Қўй-қўзилардан ҳафтада 180, насли молларни 60-100 бошгача олиб келяпмиз.

Тажрибамдан айтман, 15 бош молни боқиб сотган одам хориждагидан кам маблағ топмайди. Тадбиркорликда-

ги асосий мақсадим, даромад топиш билан бирга дунё кезиш бўлди, десам хато эмас. Чунки қасбим ортидан дунёнинг кўп давлатларида бўлдим, доврўқли чорвадорлар билан танишдим, тажриба алмашдим. Шу кунларда Россияда ҳам қорхона ташкил қилиш ниятидаммиз.

– Хорижнинг зотдор молларини парвариллашда катта тажрибага эгамиз, – дейди “Акмал Тошпўлатович” фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Муҳаммадиев. – Хўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган. Етти йилдан сўнг кўп тармоқли чорвачилик хўжалиги ташкил қилдик ва Польшадан зотдор қорамоллар олиб кела бошладик. Яқин йиллардан бери Украина ва Эстониядан ҳам келтирдик. Айни пайтда хўжалигимизда 350 бош қорамол бўлиб, шундан 120 таси соғин сигирлардир. Биласизки, бу зотдаги сигирлар мўл сут бериши билан ажралай туради. Бунинг учун тулган мўл озуқа талаб этилади. Ўтган йили бир қатор Европа давлатларида бўлдик. Шу вақтда ўзимизга керакли та-

жрибани ўзлаштирдик, озуқалар билан бойитилган емиш тайёрлашни ўргандик. Бу тажрибанинг яна бир яхши томони шуки, чорва молларимизга нима бераётганлар билан танишдим, тажриба алмашдим. Шу кунларда Россияда ҳам қорхона ташкил қилиш ниятидаммиз. – Хўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган. Етти йилдан сўнг кўп тармоқли чорвачилик хўжалиги ташкил қилдик ва Польшадан зотдор қорамоллар олиб кела бошладик. Яқин йиллардан бери Украина ва Эстониядан ҳам келтирдик. Айни пайтда хўжалигимизда 350 бош қорамол бўлиб, шундан 120 таси соғин сигирлардир. Биласизки, бу зотдаги сигирлар мўл сут бериши билан ажралай туради. Бунинг учун тулган мўл озуқа талаб этилади. Ўтган йили бир қатор Европа давлатларида бўлдик. Шу вақтда ўзимизга керакли та-

Савҳат давомида журналистлар “Олим Орзу Дилмурод” асаларичилик фермер хўжалигида ҳам бўлишди. Тадбиркор Ориф Илёсовга 50 сотих ер ажратиб берилган бўлиб, 165 та асалари оиласи парвариланаётгани, ўтган йили 15 тонна асал олгани, шу қасбга қизқувчиларга асалари оиласини етказиб бераётганини сўзлади.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда нишонланиб келаятган

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни билан сўз ва қаламга суялган
сўз азизларни чин тиракдан қутлайди.

Ўртимизда соғир бўлаётган тарихий жараёнларни, улкан бунёдкорлик ишларини, ўзгариш ва
интиқилларни тезкорлик билан ёритишда фаоллик кўрсатиб ижод қилаётган соҳа вакилларининг ҳаят
масъулиятли меҳнати ҳар қанча қадрланса, эъзозланса арзийди.

Айниқса демократик дунё, сўз эркинлиги талаблари сари интилаётган бу жабоҳада ҳали амалга
очирилган шарт бўлган ислохотлар, изланиш ва интиқиллар олдидан турибди.

Халқимиз ва кенгаши жамоатчилиги сизлардан Ватанимизда соғир бўлаётган ислохотлар
мазмун-моҳиятини кенроқ ва ҳолис ёритишда адолат принциплари ҳамиша устувор
бўлишини истайдиги.

Қасб баёрамнингиз муборак бўлсин, азизлар!



2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Асл мукофотни халқ беради

Эл-юрт равнақи йўлидаги
эзгу ишлар, қурилган иморатлар,
яратилган боғлар, вояга етказилган
қобил фарзандлар билан бирга ўз
ишининг устаси бўлган шогирдларни
тарбиялаш ҳам инсон умрини
белгилаб берувчи энг муҳим
омиллардан ҳисобланади.



Суратда: партия Ш.Шароф Рашидов
туман бўлими апарат раҳбари
Ғанишер Авалибоев (чапда) ва Бахтиёр Орипов

корлик фаолиятини елкама-елка давом
эттиришмоқда. Айни пайтда барча зару-
рий анжомлар билан жиҳозланган ишлаб
чиқариш цехида иш қизғин. Икки ёш тад-
биркор эса 10 нафар тенгдошини иш бил-
ан таъминлади.

Бу қаби хайрли ишларнинг О'zLiDeP
учун қандай бағирлик жиҳати бор, деб
сўрасангиз, ана шу ёшларнинг аксария-
ти Бахтиёр Орипов етакчилиги қилаётган
бошланғич партия ташкилоти аъзолари-
дир. Улар маҳалладаги муаммолари ҳал-
қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож одам-
ларга кўмак бериш, тарғибот тадбирлари
ушатиришда устозларига яқиндан ёрдам
беришяпти.

– Даромадимиз меҳнатимизга яраша,
– дейди ёш тадбиркор Отабек Аҳмедов.
– Моддий манфаатдорлик муҳим, албат-
та. Лекин жамоамиз аъзолари ўзларининг
қилаётган фойдали ишларидан ҳамиша
руҳланишади. Айниқса, иморат кураёт-
ган инсонларнинг ҳолатини чиқариб, ян-
ги эшик, ромлар ўрнатиб берганингизда,
уларнинг миннатдорчилик билдириб, чин
кўнгилдан айтган раҳматларини эшитиш
барчамизга ўзгача куч-қувват бағишлайди.

Барибир ҳар қандай шароитда ҳам
эл-улус эътирофи – энг катта мукофот. Ёш
тадбиркорлар эса ҳар гал элнинг эзгулик-
ка йўғрилган дил сўзларини эшитар экан,
бундай самимий дуо-раҳматларнинг бир
бўлаги устозлари Бахтиёр Ориповга ҳам
дахлдор эканидан қувонишади.

Бахром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири



масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизнинг қувонч-ташвишларини ҳолисона ёритишдек машаққатли

ва шарафли вазифани адо этаётган соҳа вакилларини


27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини


муносабати билан самимий муборакбод этамиз!

Қаламингиз ҳамиша ўтқир, айтар сўзингиз кескир бўлсин.

Оилавий хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, сўнмас илҳом

Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин азизлар!





Ўзбекистон бизлар "Ота юрт" ўлароқ таъриф этадиган, эски номи Туркистон ва Мовароуннаҳр бўлган заминдир.

Ўзбекистон Буюк Туркистоннинг қалбидир. Бизнинг аجدдоларимиз миллати ХI асрларда Онадүлига айнан ушбу ўлкадан келган ва у ерни Ватанга айлантирган. Қарийб минг йилдан бери фарқлиқ минтақаларда яшасан-да, тилимиз, динимиз, анъаналаримиз ўзгармаган, Мовароуннаҳрдаги қардошларимиз билан алоқа ҳеч қачон узилмаган.

Ўзбекистон – Ҳоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби неча-неча бугунги маърифат асрининг асосларини яратган, математика, астрономия, тиббиёт каби аниқ фанлар қатори, ижтимоий ва диний илмларда катта из қолдирган кашфиётлар қилган, тарихни яратган буюк олимларнинг юрти.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имомо Марғиний, Имом Сарахсий, Имом Замахшарий, Аллома Тафта-зоний каби энг буюк уламолар ҳам шу турпоқда камол топган.

Ҳўжа Аҳмад Ясавий, Нахжиддин Кубро, Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий, Абдулҳолик Фихривоний, Амир Кўлол, Убай

ВАТАНДИН ЎЗГА ЁР ЎЛМАС...

Тожикистон халқ артисти, Рудакий номидаги давлат мукофоти лауреати Жўрабек Муродов номи, қўшқарили утган асрининг 60-йиллари ўрта-ларидаёқ нафақат ўзи юрти, балки бизда ҳам анча машҳурлаша бошлаган эди. Мана, орадан қарийб 60 йил ўтатпки, у икки биродар халқ – ўзбек ва тожикларнинг дўстлигини тараннум этиб, тақдирини муштарак элларнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлиб келатди. Англаганингиздек, бугун у киши “Batan” меҳмони.

– Жўрабек ака, ўзбек ва тожик адабиётида дунёнинг бошқа халқлари адабиётида камдан-кам учрайдиган гўзал аъёна – икки тилда ижод қилиш, яъни зулфисонайилик аъёнаси бор. Сиз қўшиқчилик санъатида бунга янги мазмун қиритганингизни мутахассислар эътироф этишган...

– Бу анъанга имки буюк зот – Ҳазрат Навоий ва Мавлоно Ҷомийлар олтин ғишт билан мустаҳкам пойдевор қўйишган. Кейин ҳам атоқли шоирларимиз, носириларимиз бунга қўл эътибор қаратишган. Устоз санъаткорларимиз Ҳожи Абдулвазис Расулов, Содирхон Ҳофиз, Маъмурхон Узоқов, Комилжон Отаёзов, Ханифа Мавлоновна, Берта Давидовна, Орифхон Ҳотамов, Маъруфҷўжа Баҳодиров ва бошқа ижрочилар XX асрда имки тилда ижод қилиб, қардош тоjik ва ўзбек халқлари қалбидан жой олганлар. Устозлардан ибрат олиб, мен ҳам бу борадан ижод қилишга уриниб кўрдим. Энг аввало, Алишер Навоийнинг “Нигори турку тоjikам кунад сад ҳона вайрона. Бад-он мижғони тоjikонамо чашмони туркони” матлаби билан бошлангандан фазл асосидан бир тарона айтганимга ҳам ярим асрдан зиёд вақт ўттибди. “Лайло, Лайло сенинг ёнигда...” эса биринчи ўзбекча қўшиқларимдан дингиди.

– “Тоҷикистон ӯғлидурман, ўзбегим гуфто писар”
қўшиғингиз ҳам икки халқнинг дўстлик мадҳиясига
айлангани рост.

– Бу билан ўзим ҳам фахрланаман. Қайси бир анжуманда бўлсам, шу қўшиқча талаб катта бўлади. Бу қўшиқчининг ўзига хос тарихи бор. 1981 йили баҳор фаслида Ўзбекистон маданияти кунлари Тожикистонда бўлиб ўтиши керак эди. Шу шодиёнага атаб икки халқнинг дўстлигини васф этуви чи янги қўшиқ арумонг этишни ният қилдик. Ўзбекзабон шоиримиз, аҳойиб инсон Улмас Жамолдига бориб муродиمنى айтдим. Чунки унинг гўзал шеърларини Ўзбекистоннинг санъат усталари Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Хайрулло Лутфуллаев ва бошқалар жону дил билан қўй басталаб, ихро этганини билардим. Дарвоқе, Улмас ака ўзи Ургут туманида туғилган. Оиласи ўтган асрининг 30-йиллари, яъни у 12 ёшли бўлган чоғда Душанбе шаҳрига келиб қолган (яқинда шoir таълуудининг 90 йиллиги Душанбе шаҳрида кенг нишонланди). Эртасига у киши ишлайдиган республика газетасига келиб маттни олдим. Шoir жуда таъсирли ёзган эди. Шеър:

байти билан бошланган бўлса, Ўлмас ака м
нинг исмимни ҳам шеърнинг охирига қўшиб, дў
ликка хизмат қилишга чорлагани жуда ёқди:

Хизматашро аз дилу жон мекунад Ўлмас Жамол,
Жўрабек ҳам бахтиёрдур лаҳза шод этса агар.

Қўшиқ Ўзбекистон маданияти кулларининг очилиш маросимидда янгради. Ва бу тантанга қатнашчиларига жуда маъқул бўлди. Жараёнда кечган суҳбатда шу даврдаги республика раҳбарлари-дан бири ижро билан қутлаб, бу шеър кимнинг қаламига мансуб эканига қизиқиш қолди. "Душанбада яшаб ижод қилаётган бир оддий ўзбек шоири Улмас Жамолники", деб жавоб бердим ва у катта оиласи билан торғина уйда истиқомат қилаётганини ҳам айтиб ўтдим. У киши бироз сукутда қолди. Бу воқеадан бир неча kun ўтгандан сўнг Улмас акага турт хонали квартира ажратилганини эшитиб қолдим. Шу тариқа, ушбу қўшиқни иллар давомида тожиқлар орасида қўйласам ҳам, ўзбеклар да-врасида айтсам ҳам, мухлислар қизгин қабул қилиш-да ва мен бундан жуда бахтиёрман. Энг аввало, Улмас акага раҳмат дейман. Кейинчалик яна бир аjoyиб ўзбек шоири Нормурод Нарзуллаев билан дўст бўлиб, унинг шеърларига куш басталадим. Жуманиёв Жабборовнинг латиф байтларини завқ билан қўшиқ қилганман. Беназир инсан ва давлат арбоби Шароф ота Рашидовнинг "Чамандаги атиргул" шеърки ҳам камина ижросида хали-хануз ян-граб қелимқда.

– Ҳа, “Ўзга юрда шоҳ бўлганда”, “Икки тилли бир халқ васфига”, “Муҳаббат фарзандиман, яхшилик дилбандиман”, “Отмағай кўш”, “Фаргона тоғ отунча”, “Феруз”, “Ўзингдан кўш”, “Зебо санамлар” ва йигирмадан ортиқ ўзбекча қўшиқларининг ҳар доим репертуарингиздан ҳақ олганидан хабаримиз бор. 2018 йил 9 март кун Душанбе шаҳридаги “Кохи Борбад” концерт залида икки қўшни давлат президентилари Шавкат Мирзиёев ва Эмомалӣ Раҳмон жаноблари олдига ўзбек халқининг суюклик фарзанди, халқ артисти Шерали Жўраев билан Эркин Воҳидов, Мирзо Турсунзоданинг шеърлари асосида икки тилда қўшиқ айтганлариниз тарихий воқеа бўлди. Шундай эмасми?

– Тўғри ишора қилдингиз. Уша дамларни, рости, чорак аср кутган эдик. Мухтамар Шавкат Мирзиёевнинг Душанбе шахрига 2018 йили 9-10 март кунлари қилган давлат ташифи икки халқ тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилди, деса муболага бўлмайди. Уша кунлари ўтқазилган ниҳоллар дарахт бўлиб, икки биродар халқ учун тоғли мевалар бермоқда. Буни фақат мажоз сифатида тушушдан: ўзгаришлар натижасини барча соҳалардаги ҳамкорликда кўриш мумкин. Ўша биродарликнинг янги даврида яшаяпмиз. Мазкур тарихий ташифини халқимиз шодиёна кўз ёшлари билан кутди олди. 45 миллиондан кўп бўлган икки мамлакат аҳолиси бири-бирини ўзғушганига, десак айни ҳақиқат бўлади. Мана, орадан аллақачон олти йилдан кўпроқ вақт ўтбиди, бизнинг йўлларимиз ҳам, қалбларимиз ҳам бири-биримизга очик. Инсонларнинг розилигини айтмайсизми?! Айниқса, санъат ва адабиёт аҳлига ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратилди. Виза режими бекор қилинганидан кейин сўнгги чорак асрда қарийб бегоналашиб кетган минглаб қариндошлар дийдорлашди. Дўстлар, оға-инилар дийдоридан бу дунёда қиммат неъмат борми?!

Шоқахҳор САЛИМОВ
суҳбатлашди.

A collage background featuring a film strip, a bouquet of pink flowers, a silhouette of a person with a camera, and various images of the Maroqand Obod building and interior.

MAROQAND OBOD
TOZALIK SENDAN BOSHLANADI

Самарқанд шаҳридаги

“MAROQAND OBOD”

давлат унитар корхонаси

журналистикамиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган
соҳа фидойиларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни
байрами билан муборакбод этади.

Ўзларининг чуқур билим ва бой тажрибаси, беқийс маҳоратини жонажон юртимизда
амалга оширилаётган тарихий ислохотларни
холисона ёритиш, айниқса, инсон қадрини улуғлаш, сўз эркинлигини таъминлаш
ҳамда холислик, ошкоралик принципларига қатъий амал қилишдек хайрли ишларга
бағишлаган жонкуяр ижодкорларга ҳамиша хайрихоҳмиз.
Омад ва ҳаёт қувончлари ҳамиша сизларга ҳамроҳ бўлсин!

A collage background featuring a film strip, a bouquet of pink flowers, a silhouette of a person with a camera, and various images of the Maroqand Obod building and interior.

ҚУТЛОВ

Реклама

**MAUSSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLIK HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**



Boш muхarrir
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Актам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХҲЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ
Сирожддин САЙИД
Акшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ
Шухрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Тахриртта келган кўлзёмалар тақрир қилинайдиган ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газети номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

Навбатчи мухarrир:
Нурхон ЭЛИМЎЗЕВ

“XXI asr” iхтиомий-сийсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан руйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-йў.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 645
Адади: 4709
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди 19.50.

Тахриртта келган кўлзёмалар тақрир қилинайдиган ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газети номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

Навбатчи мухarrир:
Нурхон ЭЛИМЎЗЕВ